

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бешарик тумани
Ободонлаштириш бошкармаси
(комиссия раиси)



Н. Насипов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Бешарик 2022



FARG'ONA VILOYATI BESHARIQ TUMANI HOKIMI FARMOYISHI

2022 - yil 10 - may

95-11-153-F/22

Beshariq tumani hokimligi

Tuman Obodonlashtirish boshqarmasiga mablag' ajratish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi Budget kodeksining 28-, 126-moddalariga va "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi Qonunning 6-, 25-moddalariga asosan,

1. Xalq deputatlari Farg'ona viloyati kengashining 2022-yil 20-apreldagi VI-43-52-11-0-K/22-sonli qarori asos uchun qabul qilinsin.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 4-5-fevral kunlari viloyatga tashrifi yakuni bo'yicha tasdiqlangan majlis bayoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 24-fevraldagi 109-sonli qarori ijrosini ta'minlash, jumladan, Beshariq tumani, Qiyali MFY hududidagi Shodoqoziq massividagi 600 gektar yer maydonlarini o'zlashtirish bo'yicha bajariladigan ishlar uchun viloyat mahalliy byudjetining 2022-yil yil boshiga shakllangan erkin qoldiq mablag'lari hisobidan 500,0 (besh yuz) million so'm mablag' Beshariq tumani mahalliy budjetiga o'tkazib berilganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

3. Tuman hokimligi moliya bo'limi (X.Isroilov) viloyat hokimining mazkur farmoyishi bilan ajratilgan 500,0 (besh yuz) million so'm mablag'ni belgilangan tartibda tuman Obodonlashtirish boshqarmasiga ajratilishini ta'minlasin.

G'aznachilik bo'linmasi (Sh.Xayitov)ga to'lovlarni o'rnatilgan tartibda va o'z vaqtida amalga oshirish vazifalari topshirilsin.

4. Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi (N.Nasipov)ga mazkur farmoyish bilan ajratilgan mablag'ni maqsadli va samarali sarflanishini ta'minlasin.

45.32500 - 480000,0
26526000 KB 40990 - 4312500 - 110000

5.Ushbu farmoyishning bajarilishini nazorat qilish vazifasi tuman hokimining o‘rinbosarlari T.Samatov, I.Eshmatov va O‘.Ergashevlar zimmasiga yuklansin.

Tuman hokimi



R.K.Jo'rayev

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Фарғона вилояти Бешарик тумани «Кияли МФЙ Шодакозик массивида «Яшил макон» дастури бўйича 600 гектар ер майдонини сугориш учун 2 дона сув қудуги қавлаш ишлари**“ (қиймати ҚҚС билан).

1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан **500 000 000.00** сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона вилояти Бешарик тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилоят Бешарик тумани Бешарик шаҳри, Олтин водий кучаси, 164-уй. Эл.адрес: beshariq.obodonlashtirish@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Низом, гувоҳнома;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ҳодимлари);

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси;
- Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати;
- Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Танлов талаблари

Банд	Мажбурийлиги	Баҳо шкала
<i>Умумий маълумотлар (мажбурий талаблар)</i>		
1.1. Шартнома тузиш учун ҳуқуқий асослар	Зарур	0-20
1.2. Нохалол ижрочилар Ягона реестрида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.3. Банкротлик процедураларида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.4. Солик ва бошка мажбурий туловлар буйича қарздорликнинг йуклиги	Зарур	0-20
Товарлар ва буюмлар		
2.1. Бошланғич сўмма		0-20
2.2. Таклиф этилаётган сўмма		0-20
Буюртмачи талаблари		
Ижрочи ташкилот низоми. Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома	Афзалроқ	0-20
Ташкилот балансида мавжуд машина механизмлари ҳақида маълумотлар ёки керакли машина ва механизмлар билан таъминловчи қорхонанинг қаролат хати	Афзалроқ	0-20
Мавжуд техника ва усқуналар рўйхати	Афзалроқ	0-20
Ташкилотни охириги ўч йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот	Афзалроқ	0-20
Техник ҳужжатларда қўрсатилган вазиқаларни ўз вақтида ва сифатли қилиб тайерлаб бериш қаролати	Афзалроқ	0-20
Танловда иштирок этадиган ташкилотнинг тижорат таклифи ва унга мос равишда оферта ҳужжати	Афзалроқ	0-20
Қорхонанинг охириги йиллик баланс ва молиявий ҳисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиши қерақ)	Афзалроқ	0-20
Банк маълумотлари	Афзалроқ	0-20
Бешарик тумани ирригация бўлиמידан тавсиянома	Афзалроқ	0-20

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ФАРГОНА VILOYATI
ФАРГОНА TUMANI
«FOZILJON PROJECT BUILDINGS»
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FARG'ONA TUMANI
«FOZILJON PROJECT BUILDINGS»
MA'SULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

Фаргона вилоят Фаргона туман Чекшура МФЙ Маънавият кучаси 30- уй.
Х/р –20208000505325265001, МФО- 01128, АТБ«INVEST FINANCE BANK» Фаргона филиали, ИНН. – 308 045 634
Лицензия № АЛ-001641. берилган сана 17.02.2021 (бессрочная) тел: (90) 847 74 04

РАБОЧИЙ ПРОЕКТ

**Объект: Фаргона вилояти Бешарик тумани «Киялик»
МФЙ «Шодакозик» массивидаги «яшил макон» 600
гектар ер майдонини сугориш учун 2 дона сув кудугини
кавлаш ва жихозлаш
(РЕКОМЕНДУЕМАЯ)**

Книга №1

**Тик сув кудуги бургулаш, насос урнатиш.
(Ишчи лойиха, пешхисоб хужжатлари.)**

М.Ч.Ж.
Бош мухандиси:

Гидрогеолог:



Б. Меликузиев


А. Туракулов

Фергана - 2022 год

Кириш

Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массивидаги “Яшил макон” 600 гектар ер майдонини суғориш тизимини яхшилаш мақсадида икки дона тик сув қудуғи қуриш лойихаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги № ПФ-46 сонли Фармони, Фарғона вилояти хокимининг 2022 йил 10 январдаги № 10-11-0-Q/22 сонли Қарори ва Бешариқ тумани хокимининг 2022 йил 25 июндаги № 139-11-153-Q/22 сонли Қарорига асосан бажарилган

Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массивидаги “Яшил макон” 600 гектар ер майдонини суғориш тизимини яхшилаш мақсадида Бешариқ тумани “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массиви худудида қуриладиган 2 дона тик қудуқ мавжуд 25-30% сув таъминотини 90-95%га кўтариш имконини бериб, ушбу худудда барпо қилинаётган “Яшил макон” ободонлаштириш майдонларидаги, экинзорлар, дарахзор ва майсазорлар суғориш тизимини ва “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массиви инфраструктурасини яхшилашга хизмат қилади.



Лойихага қўйилган асосий талаб, худуддаги экинзорлар, кўкаламзорлаштириш-ободонлаштириш майдонлари сув таъминотини яхшилаш.

Дала кидирув ишлари «FOZILJON ПРОЕКТ BULDINGS» МЧЖ лойиха ташкилот ишчи гуруҳи томонидан бажарилган.

Техник- иқтисодий курсаткичлар

	Иш турлари	Ўлчов бирлик	Хажми	Шу жумладан	
				1-кудук	2-кудук
1	Тик кудук қазиш		2	1	1
2	Хизмат кўрсатиш майдони	га	600,0	300,0	300,0
3	Сув таъминоти лойиҳавий	%	95	95	95
3.1	Мавжуд сув таъминоти	%	25	20	28
4	Йиллик эксплуатация даври	сутка	183	183	183
5	Тик кудукни ФИК		0.85	0.85	0.85
6	Бурғулаш чуқурлиги Д-490мм	п.м.	140	70	70
7	Қобик трубаси Д-219х6мм	п.м.	140	70	70
7.2	Шу жумладан фильтр Д-219х6мм	п.м.	40,0	20,0	20,0
8	Электронасос ЭЦВ 8-80-60(6SPX04-60/14)	дона	2	1	1
8.1	Насосни сув бериш қобилияти	л/сек	44,4	22,2	22,2
8.2	Насосни сув кўтариш баландлиги(напор)	п.м.	60,0	60,0	60,0
9	Сув кўтариш кувири Д-76х4,5мм	п.м.	80	40	40
10	Олиб кетувчи кувир Д-76х4.5мм	п.м.	20	10	10

Ушбу лойиҳада Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массиви худудидаги Бешариқ тумани ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги экинзор ва кўкаламзорлаштириш худудларида суғориш тизимини яхшилаш мақсадида икки дона тик сув кудуғи бурғулаб кавлаб, насос билан жихозлаб сув чиқариш лойиҳалаштирилган.

Бурғуланаётган тик сув кудуклари Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массиви худудида жойлашган.

Лойиҳавий тик кудукқа боғланган 600,0 га экинзор, кўкаламзорлаштириш ер майдонлари Бешариқ туманинг “Қиялик” МФЙ шимолий-ғарбий чегарасидаги “Шодақозик” қишлоғи атрофида, Сирдарё дарёси қирғоқлари яқинида жойлашган.

Ушбу лойиҳа «BESHARIQ TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI» давлат муассасасининг Давлат хизматлари портали орқали 2022 йил 03 июнда берилган 53314681-рақамли аризасига биноан, ШНК 4.02.04-04 бўйича Республика ягона тариф-нархлари асосида «Узбекгидрогеология» ДУК Фарғона дала ГГЭ фонди материалларидан фойдаланган холда ва Фарғона ДГГЭ томонидан 2022 йил “15” июнда Давлат Хизматлари Портали орқали берилган серия FR рақами-0396 бўлган (гидрогеолог Ж.М.Эшбоев томонидан тузилган, Фарғона ДГГЭ бош геологи Р.Холиқов томонидан имзоланган ва Фарғона ДГГЭ бошлиғи Б.К.Усмонов томонидан тасдиқланган 2022 йил 14 июндаги № 159Ф/2022-сонли), худуддаги гидрогеологик шароитни аниқлаш мақсадидаги гидрогеологик хулоса асосида ишлаб чиқилган.

1. УМУМИЙ БЎЛИМ

1.1 Қудуқларнинг жойлашуви

Суғориш тизими объекти(тик қудуқ) Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массиви худудида жойлашган.

Объектнинг геолокация координаталари:

Тик қудуқ(Скважина) № 1:

40.441018° – шимолий кенглик(Ш.К.),


70.394808° – шарқий узунлик(Ш.У).

Тик қудуқ(Скважина) № 2:

40.444000° – шимолий кенглик(Ш.К.),

70.408342° – шарқий узунлик(Ш.У).

Қудуқлар орасидаги масофа 680 м.ни ташкил қилади.



Ўрганилаётган 600.0га ер майдонлари Бешариқ туманинг “Қиялик” МФЙ шимолий-ғарбий чегарасидаги “Шодақозик” қишлоғи атрофида, Сирдарё дарёси қирғоқлари яқинида жойлашган бўлиб, асосий сув берувчи тармоқ Сирдарё дарёси тизимидаги Насос станциялари ва гипсометрик юқори худудлардан оқиб келувчи ташлама ва сизот сувлари. Умумий сув танқислиги туфайли охири вақтларда худудга оқиб келувчи суғориш сувларини танқислигига олиб келмоқда.

Лойихаланаётган тик қудуқлар боғланган ер майдонлари асосан кўкаламзорлаштирилган ва манзарали дарахтлар, қишлоқ хўжалиги экинлари экилган

1.2 Рельеф-морфологик шароитлари

Ушбу майдон Фарғона водийсининг жанубий-ғарбида, Исфара ер ости сув кони чиқиш конусининг шимолий-ғарбий сектори чегараларида жойлашган. Ер юзаси асосан ушбу дарё натижасида вужудга келган аллювиаль-пролювиал шағалли қатламлардан ташкил топган бўлиб умумий нишаблиги 0,005 шимолий-ғарбга қараб йўналган. Худуднинг абсолют баландлиги 345-355 м. атрофида.

1.3 Худуднинг геологик тузилиши

Худуднинг геологик-литологик тузилиши асосан қатламма-қатлам ўрин алмашувчи аллювиаль-пролювиаль генезиснинг тўртламчи даврига мансуб турли йирикликдаги шағалтошлардан иборат. Кўрилатган худудни ёппа эгаллаган Тўртламчи даврга мансуб Тақирчўл комплекси қатламларнинг умумий қалинлиги 50 м. гача боради.

Тошкент комплекси тақирчўл комплекси остида жойлашган бўлиб, 50 м. чуқурликлардан бошланиб, аллювиаль-пролювиаль генезиснинг тўртламчи даврига мансуб қатламма-қатлам келувчи шағалтош, тош ва кум қатламларидан иборат. Комплек қатламларининг умумий қалинлиги 150 м. гача ташкил этади.

1.4 Худуднинг гидрогеологик шароитлари

Ўрганилаётган худуд Фарғона ер ости артезиан сув хавзасининг жанубий, жанубий ғарб қисмидаги Исфара ер ости сув кони худудида жойлашган бўлиб, Исфара дарёси ташлама конуси чегара қисмига киради. Ушбу худуд жанубдан адир тепаликлари, шарқ ва ғарбдан конуслараро пастликлар, шимолда Сирдарё водийсининг текисликлари билан чегараланган. Ер ости сувларининг пайдо бўлиши ва ер остида жойлашуви табиий факторлар, иклим, рельеф, орография ва ер таркибининг литологик ҳолати билан бевосита боғлиқ. Ер ости сувларининг озиқланиши табиий сув хавзалари (Исфара дарёси, irmoқлари ва уларнинг ирригацион тизимлари) ва гипсометрик юқорида жойлашган суғориладиган экин майдонларидан инфильтрация йўли билан амалга ошади.

Кўриб чиқилаётган ер ости сув хавзалари Республика ҳукумати томонидан аҳолини хўжалик-ичимлик суви билан таъминловчи асосий манба сифатида белгиланган. Шунинг учун ушбу сув хавзаси ҳосил бўлувчи худуднинг асосий қисмларида вилоят микёсидаги махсус кўриқланувчи майдонлар белгиланган.

Ер тубининг тўртламчи қатламларидаги сув ҳаракатланувчи қатламлари асосан турли йирикликдаги шағалтошлардан ташкил топган.

Қуйидаги жадвалда қудуқ қавланиши режалаштирилаётган худуд яқинларидаги, Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массиви яқинидаги фойдаланилаётган тик сув қудуқларидаги асосий кўрсаткичлар келтирилган.

№	Кудук №	Кудук чуқурлиги м	Фильтр ўрнатиш оралиғи м	Сувнинг статик сатҳи м	Сув сарфи л/с	Пасайиши м	Солиш-тирма сарфи л/с	Сувдаги қуруқ қолдиқ г/л	Сувнинг умумий қаттиқлиги Мг-экв/л
1	7н	30	20-25	1,71	8,50	12,74	0,66	0,670	12,63
2	7р	193	110-183	+1,23	18,0	11,56	1,55	0,420	6,80
3	7оп	50	45-49	+0,91	38,0	27,12	1,40	0,710	13,50
4	9оп	70	55-68	+0,87	25,0	20,14	1,24	0,680	12,50

Аввал қавланган қудуқлар чуқурлиги 20-193 м.ни ташкил қилиб, Қудуқларнинг параметрлари ўрганилганда ушбу ҳудудда ер ости сув сатҳи(статический уровень вод) 1,71 - +1,23м. ер сатҳида эканлиги, мавжуд қудуқларнинг сув сарфи 8,50-38,00 л/с, солиштирма сарфи 0,66-1,55 л/с атрофидалиги, сувдаги қуруқ қолдиқ 0,42-0,71 гр/л, қаттиқлиги 6,80-13,50 мг-экв/л.гачалиги аниқланган.

Ушбу ҳудуддаги 45-70м. чуқурликдаги қудуқлардан олинаётган ер ости сувлари кўкаламзорлаштириш ерларини суғориш учун яроқли(сувнинг қисқа химик таҳлили натижаларига асосан).

Яқин ҳудудлардаги фойдаланувчи ва қузатув қудуқлари(№9р) қавланганда тупроқ қатламлари қуйидаги тартибдаги геолого-литологик кесимдан иборатлиги аниқланган:

- 0,0 - 6,0 – Соз тупроқ қатлами
(Суглинок плотный);
- 60,0 - 49,0 – Қум, қумтош қатламлари билан.
(Песок со слоями песчаника);
- 49,0 - 118,0 – 10%гача шағал қатламлари бўлган қум.
(Песок с включением гравия до 10%);
- 118,0 - 193,0 – 10%гача шағал қатламлари билан қумтош.
(Песчаник с включением гравия до 10%);

Ҳудуднинг геологик ва гидрогеологик шароитлари тўғрисидаги батафсил маълумот Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Ўзбекгидрогеология» ДУК Фарғона дала ГГЭ томонидан 2022 йил “15” июнда Давлат Хизматлари Портали орқали берилган серия FR рақами-0396 бўлган (гидрогеолог Ж.М.Эшбоев томонидан тузилган, Фарғона ДГГЭ бош геологи Р.Холиқов томонидан имзоланган ва Фарғона ДГГЭ бошлиғи Б.К.Усмонов томонидан тасдиқланган 2022 йил 14 июндаги № 159Ф/2022-сонли), ҳудуддаги гидрогеологик шароитни аниқлаш мақсадидаги гидрогеологик хулосада берилган.

Юқорида келтирилган мавжуд геологик ва гидрогеологик маълумотларга асосан Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Қиялик” МФЙ “Шодақозик” массиви ҳудудидаги Бешариқ тумани ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларида суғориш тизимини суғориш сувига бўлган эҳтиёжини яхшилаш, ажратилган ер майдонида (40.441018° – шимолий кенглик(Ш.К.), 70.394808° – шарқий узунлик(Ш.У) ва 40.444000° – шимолий кенглик(Ш.К.), 70.408342° – шарқий узунлик(Ш.У).) икки дона 70 м чуқурликда қудуқ бурғулаш, сув қабул қилиш қисмини (фильтр) 45-65 м

чуқурликка ўрнатиш йўли билан хал қилиниши мумкин, деб хулоса чиқарилади. Қудуқларнинг сув бериш кўрсаткичлари бир-бирига таъсир қилмаслиги учун қудуқлар ўртасидаги масофа камида 600метрни ташкил қилиши зарур.

2. Махсус қисм.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2019 йил 27 сентябрдаги № 439-буйруғи билан тасдиқланган ва 2020 йил 01 январидан кучга кирган КМК 2.04.02-19."Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар" норматив ҳужжатининг 1.4 бандига биноан лойихада қабул қилинаётган асосий техник ечимлар мавжуд ечимлар вариантларига қиёслаш йўли билан қабул қилинади. Шунга асосан барча лойиха ечимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси «Ўзбекгидрогеология» ДУК Фарғона дала ГГЭ томонидан 2022 йил "15" июнда Давлат Хизматлари Портали орқали берилган серия FR рақами-0396 бўлган (гидрогеолог Ж.М.Эшбоев томонидан тузилган, Фарғона ДГГЭ бош геологи Р.Холиқов томонидан имзоланган ва Фарғона ДГГЭ бошлиғи Б.К.Усмонов томонидан тасдиқланган 2022 йил 14 июндаги № 159Ф/2022-сонли), ҳудуддаги гидрогеологик шароитни аниқлаш мақсадидаги гидрогеологик хулоса асосида ишлаб чиқилади ва лойиха ечимлари учун хулосада келтирилган асосий параметрлар асос қилиб олинади.

2.1. Сув мавжуд қатлам сатҳини танлаш.

Ер остидаги ҳар бир сув қатламининг сувга бойлиги қатламлар чуқурлиги ва жисмлари таркибига қараб турличалигини инобатга олган ҳолда, қудуқ қавлаб бўлингач мутахассислар томонидан электрокаротаж изланишлар бажарилади ва ушбу изланишлар натижаси бўйича қудуққа фильтр ўрнатиш оралиқлари аниқланади. Дастлабки хулосаларга асосан қудуққа фильтр ўрнатиш оралиғи 45-65м. қилиб лойихалаштирилмоқда.

Тик қудуқни дебети ҳисоблаш

Суғориш учун мулжалланган тик қудуқни дебети ҳисоблаш гидрогеология хулоса берган маълумотларга асосан ($m^3/сут$) да гидромеханик ускуна ва қудуқ ўлчамлари танланади.

Геологик қирқимга асосан тик қудуқ номукамал босимсиз қудуқлар ҳисобланади ва

Н.Н Верегин формуласига асосан.

$$Q = (K \cdot (2H - S) \cdot S) / (0.73 \cdot \lg(R/r) + 0.217 \cdot \xi_0) =$$

бунда:

K – сувли қатламни фильтрация коэффиценти, $m^3/сут$

H – Сувли қатлам қалинлиги, м

S_0 – лойихавий пасайиш, м

R - қудуқни таъсир радиуси, м

r -- қудуни бурғулаш радиус, мм

E_0 – номукамаллик коэффиценти ($L\phi/H$, m/ro натижаларига кўра)

Бошланғич ҳисоб китобга аниқлик киритиш учун солиштирма ҳисоблаш Тим формуласи асосида кўриб чиқамиз.

$$Q = Q1((2H-S)*S)/(2H-S1)*S1)=$$

Лойихавий пасайиш қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$S=H-\sqrt{(H^2(Q/Q1)*S1)*(2H-S1)=}$$

Босимсиз тик кудудкни таъсир радиуси қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$R=2*S\sqrt{(R*H)=}$$

хисоблаш натижалари

таблица № 1

№ скв.	Жойлашган манзили	Кудук чуқурлиги М	Коэф. Филтрац. М3/сут	Хисобланган пасайиши м	Таъсир доираси	Хисобланган дебет л/сек	Эксплуатац. Дебет л/сек
01/16-22ор.	“Қиялик” МФЙ Шодақозик массиви	70	8.3	18,0	305	38,0	22,2
02/16-22ор.	“Қиялик” МФЙ Шодақозик массиви	70	8.3	18,0	305	38,0	22,2

Хисоб китоблар натижасида тик кудукни чуқурлиги ва динамик сатхни хисобга олган ҳолда катлогда сув кўтариши ускунасини (насос) танлаб оламиз.

Буюртмачининг сувга бўлган эҳтиёжини хисоблаб, ҳудудда аввалги кавланган кудуклар параметрларини инобатга олган ҳолда янги кавланадиган кудук қуйидаги гипсометрик ҳолат бўйича лойихавий параметрлари қабул қилинади:

Кудук №	Чуқурлиги. м.	Сув сатхи (м)	Сув сарфи л/с.	Солиш-тирма сарфи л/с	Қурук қолдиқ мг/л	Умумий қаттиқлиги мг.экв/л
01/16-22ор.	70	1,71	22,2	1,30	680	12,5
02/16-22ор.	70	1,71	22,2	1,30	680	12,5

2.2. Лойихалаштирилаётган № 01/16-22ор. ва 02/16-22ор. кудуклар конструкциясини танлаш

Лойихалаштирилаётган кудуклар конструкцияси ҳудуднинг гидрогеологик шароити ва сувга бўлган эҳтиёжга мос равишда ўрнатиладиган сув кўтаргич ускуналар русумига қараб аниқланади. Юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш учун лойихада чуқурлиги 70м. Бўлган 2(икки) донга тик артезиан кудуғи бурғулаб кавланиши кўзда тутилган.

Сувга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда лойихалаштирилган тик кудуклардан сув чиқариш учун сув тубига тушириладиган(глубинный) насос ўрнатиш тавсия қилинади. Насос кудук ичига Д-100мм бўлган сув кўтарувчи қувирлар ёрдамида 40м. чуқурликка туширилади.

Танланган сув кўтариш ускуналар русумларига қараб лойихада тик артезиан қудуқлари қавлаш учун қуйидаги бурғулаш конструкциялари қабул қилинади:

Қудуқ № 1(Скважина № 1)

Бурғулаш(бурение) учун:

0,0 дан - 70,0 м.гача - Д-490 мм;

Қувир билан жихозлаш(обсадка) учун:

0,0 дан - 70,0 м.гача - Д-219 мм;

Қудуқ № 2(Скважина № 2)

Бурғулаш(бурение) учун:

0,0 дан - 70,0 м.гача - Д-490 мм;

Қувир билан жихозлаш(обсадка) учун:

0,0 дан - 70,0 м.гача - Д-219 мм;

Қудуқларга фильтр ўрнатиш оралиғи 45-65м.,электрокаротаж изланишлар натижаси бўйича аниқлик киритилади. Фильтрларнинг сув ўтказувчанлик қобилияти(скважность) 15%дан кам бўлмаслиги зарур. Қудуқларнинг сув бериш қобилиятини ошириш мақсадида қавланган қудуқ ва қобик қувир(обсадная труба) оралиғи саралаб танланган чақиртош(гравий отборный) билан қатламма қатлам зичлаб тўлдирилади. Қудуқларга туширилган қобик қувир(обсадная труба) мустахамлигини таъминлаш мақсадида қудуқ бўғзида қобик қувирларга хар бирининг узунлиги 3.0м.дан кам бўлмаган №12-ўлчамли швеллерлардан иборат таянч плитаси пайвандлаб бириктирилади ва ушбу таянч плитаси бетон қоришмаси билан тўлдирилиб, қудуқ оғзи қобик қувир марказида бўлган 3,0х3,0 ўлчамли ховузча холатига келтирилади.

Тик қудуқни талаб даражасида ишлаши ва сув бериш қобилиятини ошириш учун хизмат қиладиган асосий қисмлардан бири бу фильтр ГОСТ 10705;20295 русумдаги диаметри 219х5,0 мм. Скваженность 32,0% ва ундан ортик.

ФИЛЬТРНИНГ СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ.
(ОПРЕДЕЛЕНИЯ СКВАЖНОСТЬ ФИЛЬТРА)

$$n = \frac{n \times F_0}{\rho_i \times D \times L_f} \times 100\% = \frac{4,533375}{13,7532} = 32,962329 \%$$

n	Тешиklar сони	дона	9240	
F ₀	Тешиk ўлчами	м ²	0,025	0,000490625
D	Фильтра ташқи диам.	м	0,219	
L _ф	Фильтр узунлиги	м	20	
W	Фильтр Ёйилмаси		0,688	м
	Фильтра майдони		13,75	м ²
	ўртача 1 пм.га		462	дона
	ўртача 1 м ² .га		672	дона

Қувирлар туширилиб, ўрнатилиб бўлингач, қувир устки қисми ховузча кўринишида бетон қоришмаси билан мустахкамлаб қўйилади.

Қудукларни қурилиш муддатлари қуйидагича аниқланади:

Қурилиш муддатини аниқлаш: стр 384 СНиП 1.04.03-85 \$5. п.3

Наименования объекта	Характеристика	Қурилиш муддати нормаси			
		жами	в т.числе		
			Тайёргарлик даври	эксп-яга топширгунга кадар	
ой	тыс.га				
Сугориш тик кудуги	Ускуна ва сув олиш иншооти ва электр таъминоти билан жиҳозланган				
	Кудук чуқурлиги (м)				
	50	1	0,5		
	70	1,4	0,5		
	100	2	0,5		

2.3. Бурғулаш топшириқлари

Тик сув қудуғи бурғулаш ишларини бошлашдан аввал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 08 январдаги 9-сон қарорига асосан қудукни бурғулашга рухсатнома расмийлаштириш зарур.

Чуқурлиги 70м.бўлган тик сув қудуғини бурғулаш ишларини 1БА-15В ёки УРБ-3А3 бурғулаш агрегатларида бажарилиши тавсия қилинади. Бурғулаш жараёнида қавланаётган қудук мунтазам равишда бурғулаш насоси ёрдамида бентонит лойли қоришма билан ювиб турилади. Қудукнинг литологик ҳолатига аниқлик киритиш мақсадида, бурғулаш жараёнида ҳар 5м. бурғуланганда чиқаётган жисмлардан(шлам) наъмуналар олиниб лой қоришмасининг ҳолати текшириб борилади.

Бурғулаш ишлари яқунлангач, тозалаш ускуналари ёрдамида бурғуланган қудук лой қоришмасидан кўрсаткичлари 2,0 бр/см бўлгунча компрессор станцияси орқали юқори босимли ҳаво ёрдамида сув билан ювиб тозаланади, сўнгра қудукнинг гидрогеологик параметрларини ва қудук сув буриш унимдорлигини аниқлаш мақсадида 3 сутка мобайнида қудук ичидаги сув юқори босимли ҳаво ёрдамида юқorigа хайдаб чиқарилади ва чиқаётган сувдан наъмуналар олиб борилади. Зарурат туғилганда(чиқаётган сувдаги қаттиқ жисмларнинг меъёридан ортиқ бўлганда) қудукни тозалаш давом эттирилади. Қудукни тозалаш чиқаётган сувдан 1,0 л. микдорда кимёвий таҳлил учун сув наъмунаси олиш билан яқунланади. Қудукни тозалаш яқунлангач чиқаётган сувнинг ГОСТ О’zDst 950-2011 меъерий параметрларига мослигини текширишга тўлиқ ва бак.таҳлил учун сувдан наъмуналар олинади.

Қудукнинг сув бериш қобилиятини ошириш мақсадида қавланган қудук ва қобик қувир(обсадная труба) оралиғи саралаб танланган чакиртош(гравий отборный) билан қатламма қатлам зичлаб тўлдирилади. Қудукқа туширилган қобик қувир(обсадная труба) мустахкамлигини таъминлаш мақсадида қудук бўғзида қобик қувирларга ҳар бирининг узунлиги 3.0м.дан кам бўлмаган №12-ўлчамли швеллерлардан иборат таянч плитаси пайвандлаб бириктирилади ва

ушбу таянч плитаси бетон қоришмаси билан тўлдирилиб, кудуқ оғзи қобик қувир марказида бўлган 3,0x3,0 ўлчамли ховузча ҳолатига келтирилади.

Бурғулаш, кудуқни филътр ва қувирлар билан жихозлаш ишлари яқунлангач, кудуқ атрофи тўлиқ ободонлаштирилади.

Кудуқни бурғулаш, ободонлаштириш ва синаб кўриш ишлари яқунлангач сувдан фойдаланиш махсус рухсатномаси(разрешение на спецводопользование РСВ) расмийлаштирилиши зарур.

2.4. Кудуқни гидромеханик ва электр жихозлари билан жихозлаш

Фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилган кудуқларга д-100мм.ли сув кўтарувчи қувирлар ёрдамида маркаси: ЭЦВ 8-80-60(6SPX04-60/14) русумли сув хайдовчи насоси ўрнатилади. Насоснинг истеъмол қиладиган токи – 35,0А, қуввати – 18,5 кВт.

Насоса русуми	Сув бериш қуввати м3/ч	Сув кўтариш баландлиги М	Ишчи ҳудуд		Э/дв. Қуввати кВт	Ток, А.	Ускунанинг габарит ўлчамлари		Ускуна оғирлиги Кг.	Кудуқ қувири диаметри (обсадка скважины) мм.
			Қуввати м3/ч	Баландлиги м			Диаметр мм.	Узунлиги м.,		
ЭЦВ 8-80-60(6SPX04-60/14)	80,0	60	80,0	40	18,5	35,0	186	1,8	75	219
ЭЦВ 8-80-60(6SPX04-60/14)	80,0	60	80,0	40	18,5	35,0	186	1,8	75	219

Ер ости сув қатламларининг жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, гидрогеологик ҳулосага асосан лойихада ҳар бир кудуққа ЭЦВ 8-80-60(6SPX04-60/14) русумли сув хайдовчи насос ўрнатилиши лойихалаштирилган. Ушбу насос д-100мм.ли, ўзаро болт-гайкали фланцлар билан уланувчи сув кўтарувчи қувирлар ёрдамида кудуқ ичига 40м. чуқурликка туширилади.

Д-100мм.ли сув кўтарувчи қувирлар узунлиги 8 метрли бўлаклардан иборат бўлиб, ўзаро қувирларга ўрнатилган фланцларни резинка оралиқлар(прокладка) кўйиб, болт-гайкалар билан қотириб уланади. Ҳар бир кудуқдаги сув кўтарувчи қувирларнинг умумий узунлиги 40,0 п.м.ни ташкил қилади(кудуқ оғзидан 1.0м. чиқарилишини инобатга олган ҳолда).

Сув кўтарувчи қувирлар ва кудуқнинг горизонтал бўғиз қисми ўзаро қалинлиги камида 10 мм.бўлган таянч плитаси орқали уланади ва таянч плитасидан диаметри 80 мм.бўлган 90°ли бурчакли тирсак билан чиқариб кўйилади. Тирсакдан кейин Д-100 мм.ли зулфин(задвижка) ўрнатиш учун Д-100 мм.ли фланц пайвандлаб кўйилади

Кудуқлардан 5,0 метрдан узоқ бўлмаган масофада насосни электр тармоғига улаш учун насос бошқарув шитига уланган уловчи қути(распаячная коробка) ўрнатилади.

Ҳар бир насосни бошқарув мосламасининг уловчи қутисига улаш учун 3 бўлакдан иборат, ҳар бири 45,0 метрдан(шундан 40,0 метри насосдан кудуқ бўғзигача ва қолган 5 метри кудуқ бўғзидан уловчи қутигача) ВПП-16

русумли электр симидан фойдаланилади. Хар бир қудукдаги электр симининг умумий узунлиги 135 метрни ташкил қилади. ВПП электр сими насосдан қудук бўғзигача сув кўтарувчи қувирларга хомутлар ёрдамида боғлаб қўйилади.

2.5. Санитар химоя ҳудуди барпо қилиш тавсиялари.

Қудук атрофида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув хавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақида” Низомга, УзР 0244-07-сон СанПиНга асосан химоя зоналари ташкил қилиш кўзда тутилган. Хусусан ушбу қудуқлардан олинаётган сувлар асосан ҳудуд мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориш мақсадларида ишлатилишини инобатга олиб қудуқ атрофида 15x12м.ўлчамли майдонча ажратилиб симтўр сетка билан ўраб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2.6. Бурғулаш ишлари жараёнида техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши чора-тадбирлар

Қудуқни бурғулаш давридаги барча ишлар меъёрлар, қоидалар ва техника хавфсизлиги меъёрий қўлланмалар талабларига мос равишда бажарилиши шарт. Шунингдек хавфсизлик қоидалари талаблари ва “бурғулаш ишларида меҳнат хавфсизлиги” қўлланмаси талаблари бажарилиши шарт. Жойида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши учун жавобгарлик тўлиқ бурғулаш ишларини бажарувчи ташкилот зиммасига юклатилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларининг айрим зарур талаблари қуйидагилардан иборат:

1. Бурғулаш ишлари белгиланган тартибда тасдиқланган лойихаларга биноан геология-қидирув ишлари жараёнидаги хавфсизлик талаблари Ягона қоидаларига асосан бажарилиши шарт.
2. Бурғулаш ускуналарини ишга тушуриш учун рухсат, экспедиция раҳбари томонидан тайинланган комиссия кўригидан ўтгач, ускунанинг ишга тайёрлиги тўғрисидаги махсус далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг берилади.
3. Бажарилаётган ишлар маъсулиятини инобатга олган ҳолда, барча янги ишга қабул қилинаётган ва бошқа жойдан олиб келинган ишчилар махсус медицина кўригидан ўтказилгач ишга қўйишга рухсат берилади. Соғлиғи талабларга жавоб бермайдиган ишчиларни ишга қабул қилиш тақиқланади.
4. Бурғулаш ускуналарни бошқариш, шунингдек бурғулаш ускуналари моторлари, насослари ва бошқа қисмларини бошқариш учун махсус рухсатномаси бўлган, малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши шарт.

5. Иш бошлашдан олдин бурғулаш ускунаси машинисти, ускунанинг техник созлигини, шунингдек барча химоя тизими ва воситаларининг созлигини синчковлик билан текшириб чиқиши шарт.
6. Бирор бир камчилик аниқланганда ушбу камчиликлар тўлиқ бартараф этилмагунча ишларни бошлаш тақиқланади.
7. Хар бир бурғулаш ускунасида техника хавфсизлиги Журнали бўлиши шарт.

Хар бир бурғулаш ускунасида кўпикли ўт ўчиргич, кум тўлдирилган яшик, сув тўлдирилган бочка бўлиши шарт. Бурғулаш билан боғлиқ бўлган барча ишларни, шунингдек геологик-тадқиқот ва қурилиш ишларини бажарилишида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қатъиян бажарилиши зарур.

2.7. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ернинг унимдор қатламини сақлаш мақсадида бурғулаш даврида эгалланадиган ер майдонларидаги унимдор тупроқларни кўчириш(рекультивация) лойихалаштирилган.

Тажрибадан келиб чиққан холда бир дона қудуқ қавлаш учун ўртача 400 м² ер майдонини кўчириш(рекультивация) зарур.

Бунда ер қатлампидан 0.15 м. қалинликда III-тоифали тупроқ қатлами кўчириб олинади ва қайта ётқизилади. Лойихада бир дона қудуқ бурғулаш лойихалаштирилган, бунда рекультивация хажми:

$$400 \times 0,15 = 60 \text{ м}^3$$

Бунда ер кўчиришда иш кучи сарфи

$$0,6 \times 18,71 = 11,20 \text{ ишчи/кун.}$$

ер кўмишда иш кучи сарфи

$$0,6 \times 12,8 = 10,6 \text{ ишчи/кун.}$$

2.8. Худуддаги ер ости сувлари захирасини баҳолаш тадбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 августдаги 672-сон қарорига, “Сув ва сувдан фойдаланиш” қонунинг 35-моддаси шартлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги 430-сон қарори билан тасдиқланган “Ер ости сувларининг давлат мониторинги тўғрисида” Низомга асосан барча бурғулаш-тозалаш ишлари яқунлангач қудуқдан олинаётган сув бўйича ишлаб-чиқариш мониторинги юритилади.

Кавланган қудуқни фойдаланишга топшириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 08 январдаги № 9-сонли Қарорига биноан сувдан фойдаланиш учун белгиланган тартибда махсус рухсатнома расмийлаштирилганидан сўнг амалга оширилади.

Ер усти қисми

Тик қудукни ер усти қисми ўз ичига қуйидагиларни олади:
3x3м ўлчамдаги панжара билан ўралган қудук майдончаси, электроускуна кутиси ва ташлама қувурини .

Қудукни санитар зонаси (12 x 15)м ўлчамда қабул қилинган и ШНК (180 кв.м).

